



САБОК

Уйку ўлимнинг бир бўлаги экан.
Тонг олди туш кўрдим жонсарак ётиб.
Тушда... Хожи онам...
Ёшариб кетган
Югуриб юрарди, гулларга ботиб.

Худди ўн саккизга кирган киз мисол,
Кора кош, кора кўз, юзларида нур.
Ариқдан сут оқар оппок ва зилол,
Йўллар олтиндан-у, иморатлар дур.

Дарё-дарё асал, дарё-дарё май!
Минг-минг истигнода
кушлар сайрашар.
Онамнинг биргина имосига шай,
Хурлар хизмат кутиб имдод пойлашар.

Ял-ял ёнар эди, Ер-у кўк, фазо
Онамнинг кошига чопмокчи бўлдим.
Хизматига бошим кўйиб аввало,
Хузурида меҳр топмокчи бўлдим.

Аммо ёпик эди мен борар тараф,
Кимдир: Хато ва хом ўйлайсан,- деди.
Качонки Жаннатга бўлсанг мушарраф,
Онангнинг ёнига кўйгайман, - деди.

Бирдан оғрик турди кўксимда зир-зир.
Бирдан тортаверди жаханнам каъри.
Ўтаверди кўзим олдидан бир-бир,
Килган гуноҳларим,
айбларим бари.

Ёлвора бошладим кодир Худога:

–“Тангрим бош кўтармай сендан сўрайман.
Кечир, магфират эт, энди дунёда
Энг халол, энг солих банданг бўлгайман.

Жаннат
банда учун энг олий маком.
Яна хам буюқдир, унда онам бор!
Бор тоатим хакки айлагин инъом,
Жаннатингдан жой бер, эй Парвардигор!”

Сўнг...
Уйғониб кетдим.
Чопдим онамга
Кўришмоқ- Худодан мархамат бўлди.
Ушбу гўзал онлар,
Ушбу оламда,
Худо менга берган бир жаннат бўлди.

Аммо, сабоқ олдим ўша тушимдан.
Уйқу экан хар тун ўлимдан хабар
Тайёргарлик кўринг,
Хар куни зимдан
Охиратдан умид килсангиз агар.

Шай туринг,
Тоат-у ибодат учун!
Шай турган жаннати бўлар эканлар.
У дунёдаги бахт-у – саодат учун,
Бу дунёда тўлов тўлар эканлар.

САЛОМ!

Дуога кўл очиб, сўрайман Тангрим,
Ассалом алайкум ўнгдагиларга!
Сен буюқ Хоконим, буюқ хамдардим,
Ассалом алайкум сўлдагиларга!

Сен буюқ бахт бердинг, буюқ тахт бердинг,
Ассалом Куръони кўлдагиларга!
Буюқ шараф бердинг, буюқ ахд бердинг!
Ассалом, исломий йўлдагиларга!

Калбимизга бердинг иймон деган нур,
Ассалом, хуш ният ўйдагиларга.
Номинг ила нафас олиб бир умр,

Умрини тўй килган, тўйдагиларга!

Иймон йўли гоҳ жар, гоҳо машаккат
Ассалом хаёти дўлдагиларга.
Жаннат истаб гамга килгувчи токат.
Ассалом, умидвор чўлдагиларга.

Хали тонг отмасдан, умри бўлиб шом
Минг йилларки ўтди, канча дўст-ёрим.
Ўтганларга, ахли иймонга салом.
Барига раҳм кил, Парвардигорим!

Фаришталар тўла фалаклар салом.
Риштангиз боғлайди бизни самога.
Теграмизда юрган малаклар салом,
Сиз, салом етказинг, арши аълога!

Салом, баҳри-дилни очгувчи Куёш
Салом, тоғу-тошлар, чаманлар салом!
Салом, эй гуркираб юрган замондош,
Бизга Ватан бўлган масканлар салом!

Бу етти фалакнинг тинч тутиб турган
Буюк Оллоҳнинг Кудрати салом!
Хар тирик жонга ризк улашиб юрган,
Буюк Раззогимнинг Химмати Салом!

Салом, Эй Оллоҳнинг мўъжизалари
Оллоҳнинг Хикмати, Кисмати салом!
Хар кун салом деркан тонг сахарлари,
Кўксимни тўлдирар улгвор айём!

Мен ухлаб ётгандим хакир ва ночор.
Уйготдинг жон бериб, Эй мухтарам Зот!
Менга жон бергувчи сендай дўстим бор!
Буюкман, то сени киларканман ёд!

Буюкман, мен сени калбимга жойлаб,
Яшайман хар лахза Каломинг билан!
Танграм уйготмогинг кандай буюк бахт
Дилимга жойлаган Саломинг билан!

* * *

Тобора киёмат якин келмокда
Тобора олислар Адолат касри

Тобора жахолат бизни енгмокда.
Олислаб кетмокда Саодат асри.

Тобора якиндир киёмат койим.
Бандалар иймондан кайтар эканлар,
Ёлгон бўлар, бизнинг Ватанни доим
Келажаги буюк Ватан деганлар.

ТАНГРИ ТАРОЗИСИ

Ривоят

Бу ўтмишдан колган ривоят асли
Аммо ундай каслар учрайди хар дам
Асло ўзгармаскан одамзот насли
Замонлар ўзгарар ўзгармас одам.

Бу кун у ўзгача иморат солган
Ўзгарган эрмаги, айтган ашъори...
Аммо ўзгармаган одамдан колган
Тўрт мучаси хамда феъли атвори.

Хуллас, яшаганди бир сахий инсон.
Тоглардайин мўл-кўл, унда мол дунё.
Хасадгўйлар бир кун кўтариб исён,
Арз килдилар: – Уни ўлдир эй, Худо.

Кўкдан нидо келди: – Яшамок учун,
Хар кимнинг ўлчови вақт-соати бор.
У хам мангу колмас, ўлади бир кун,
Аммо менга ёкар бир одати бор.

Кўп бўлса-да бойнинг айбу-нуксони
Хар кун юз кишига беради таом.
Ажални тўсган бахт – унинг эхсони.
Сахий бўлган сари яшар бардавом.

Хасадгўйлар колди, жим ва безабон
Аммо тушунмассан кўнгил ишига.
Бойнинг хасислиги тутиб ногохон
Таом берар бўлди, эллик кишига!

Хасадгўйлар яна килдилар арз-хол:
“– Дорга осмок керак бундай осийни.
Ортикча бир тарик бермоги махол
Хисобсиз бўлсада мол-дунёсининг!”

Оллох деди: – Кимнинг канча мулки бор.
Бойликнинг мен учун киммати йўқдир.
Улки, дунёда энг разил ва бадкор.
Гар кимнинг кўнглида химмати йўқдир.

Токи эллик киши еяркан таом
Токи эллик киши экан миннатдор.
Эллик киши килса дуои салом.
Яшамокка бойнинг хали хакки бор.”

Хасадгўйлар кўлда маломат тоши
Бало-казолардан этсада оғох
Химмат кўрсатмокка етмай бардоши,
Сахий ўз-ўзига казийверди чох!

“– Бойликни хавога совирмок нечун,
Эллик текинтамок керакмас, деди.
Бойлигим янада ошмоги учун,
Битта одам колса, менга бас”, деди.

Хасадгўйлар яна кўкка ёлворди:
“– Бу касни сийлайсан саодат билан.
Унга чексиз молу-давлат юбординг,
Умри ўтаётир фарогат билан.

Айт, Оллох бизларда нима гуноҳ бор.
Ё бизни назарга илмасмидинг сен
У хам бизнинг каби ўгри ва бадкор,
Кингир ишларини билмасмидинг сен!”

Оллох деди: – Барча килмишинг аён.
Ризк – мендан. Хаммани тўйдираман – деди.
Колган бир одамдан юз бургани он,
Минг бор ёлворса хам ўлдираман, - деди.

Бу холдан беҳабар нотовон одам.
Бир коса таомни кизганган махал.
Кашшок кўкка караб, “ох” унгани дам.
Узди бойнинг шакар томирин Ажал.

Бу воқеа хаётда бўлганми ё йўқ.
Эшитганлар асло бўлманг норози.
Оллох – чевар, кимки килса нима иш.
Ўлчаш учун кўйиб кўйган тарози.

Бу тарози балки кўринмас сизга

Кани кўрсат дея ёкамдан олманг
Бахт истар бўлсангиз ўз-ўзингизга,
Бировга яхшилик килмоқдан толманг.

Кўкка бокманг ерга назар килмасдан
Рози килинг, сиздан норозиларни
Бузиб кўйманг бир кун билиб билмасдан
Оллох кўйиб кўйган тарозиларни.

Сир-синоат кўпдир, бўлингиз оғох.
Бу – Оллох синови бўлиши мумкин.
Бир коса таомни сиз кизгонган чоғ,
Жонингизни олиб кўйиши мумкин!

Умр – вақтдан иборат.
Вақтни сарфлама бекор.
Хар кун, хар он, хар соат
Ичида хаётинг бор.

Курмокни максад килсанг
Гар мангулик иморат
Куражаксан, интилсанг
Хар кун, хар он, хар соат.

Кутиб турган бўлса ҳам
Келажакда саодат.
Хозирдан ташла кадам,
Хар кун, хар он, хар соат.

Бўлмок истасанг хокон
Тожу-тахтдир – ибодат.
Оллох учун тиккин жон,
Хар кун, хар он, хар соат.

Худо билан дўстлашсанг,
Сен ҳам буюк бўлгайсан.
Икки дунёинг обод,
Бахт шавкига тўлгайсан!

Худо билан дўстлашсанг,
Охиратни ўйлайсан.
Хаёт жанггохи аро,

Голиб бўлиб ўтгайсан!

Худо билан дўстлашсанг,
Ўз-ўзингни кўллайсан.
Ўзини Худо билган,
Гадолардан кўркмайсан!

Худо билан дўстлашсанг,
Ерда хамки кўкдасан,
Доим нурафшон бўлган,
Оппок ойдин йўлдасан!

* * *

Мўминлар жисми бир, хамжон эрурлар
Меҳру-мухаббатда хамкон эрурлар.
Бу танда мабодо бир дард кўзиса
Колган аъзои тан дармон эрурлар.

ЭНГ АВВАЛО

Золим чангалида куш каби
Типирчилаб тўлгонса замон.
Дош беролмай шоирнинг калби,
Энг аввало тўлайди товон.

Чархпалакдай айланар тинмай,
Саодат ё жаҳолат асри.
Маъсуд йиллар ўтар билинмай,
Разолатнинг уради касри.

Мушт урганда подшоҳ даргазаб,
Кўзларидан сачраганда кон.
Минглаб одам ичидан ажраб,
Аввал Машраб берган эди жон.

Конхўр Сталиннинг дахшати,
Юртда киргин этганда содир.
Энг аввало келиб навбати,
Курбон бўлди канчалар шоир.

Чунки шоир кўксида хар дам.
Кабохатга қарши исён бор.
Хеч кимга кўл кўтармаса хам,
Сўзи килар бор сирни ошкор!

Хамон бу хол этмоқда давом,
Тўхтамаган азалий тақдир.
Золим шохлар килар катли ом,
Шоир зоти кон кусаётир.

Омон колган баъзилар аммо.
Таъбири бор бу машъум сирнинг
Сог юрганлар Навоийнинг ё,
Зоти эмас Усмон Носирнинг.

Бир лахза хам улар тўхтамай,
Замонга мос тебратар калам.
Кун ўтмай, ой ўтмай, йил ўтмай
Улар билан ўлар асарлари хам.

О Тангрим, бокийсан сен факат!
Сен факат абадий яшарсан.
Факат сенга бўлсин мухаббат,
Факат сен мангулик Акбарсан!

Сенга бўлсин барча ашъорим!
Мадх айтсин юрак хар урганда.
Сен – шарафим, сен – ифтихорим,
Сенинг билан бўлай токи жон танда!

Агар яна эврилса давр,
Сендан яна юз бурса султон
Сен деганлар тортсалар жабр,
Сендан кечган колса сог-омон!

Золим кон сачратса даргазаб,
Даврон сурса яна осийлар!
–Тангрим! Мени колмагин асраб,
Дорга энг аввало оссинлар!

* * *

Эшитдим, бир хайвон киёмат олди
Чикармиш, сўзлармиш инсонга ўхшаб.
О, Тангрим дунё не кунларга колди,
Одамлар сўзлашар хайвонга ўхшаб.

Хайвон сўзлаган кун Ерга уриб бош,
Шавкат сўрар экан, ахли мусулмон.
Магфират уйготса агарки кўз ёш,
Колар экан барча бандалар омон.

Худойим бир хайвон сўзлагани дам,
Жон сўраб ёлворса бор ахли башар.
Хайвон каби сўзлаб турса гар одам.
Бунинг хам жазоси бордир мукаррар.

Тангрим, ўзинг доим бизга меҳрибон
Канча гуноҳ килсак ўчирасан сен.
Киёмат бўлар гар сўзласа хайвон,
Хайвондек сўзлашсак... кечирасан сен.

Ажиб сайлгоҳдан кайтган сингари
Севги чаманидан кайтаяпман шод.
Биламан қачондир тугайди бари,
Яна исқанжага олади хаёт!

Яна хаётнинг кўп тахликалари,
Йикитаверади чалиб оёқдан.
Жонинг махбус каби кетолмас нари,
Турмуш ташвишлари деган камокдан.

Орзу, бизга хаёт бағишлар хар дам.
Умидсизликдадир барча иллатлар.
Умидсиз колса гар, нафакат одам,
Халок бўлар хатто буюк миллатлар!

* * *

Бизни тақиб этар хаста яшамок.
Эркисизлик тўсади гоҳ йўлимизни.
Аммо ижод ичра кўтариб байроқ,
Биз енгиб борамиз ўлимимизни!

* * *

Хар тонг вужудимни камрайди хайрат
Шукрона айтаман хар тонг Ўзига.
Борлигим дунёда қандай буюк бахт,
Тириклигим қандай буюк мўъжиза!

* * *

Деразам ортида хар тонг, хар сахар
Хали уйку ичра ётганда сахар

Энг ширин пайтлар
кушлар сайрар
Энг гўзал байтлар, наволар янграр!

Бу гамза, бу ишва, бу авж, тарона
Бу нола, бу чах – чах, бу шодиёна
Бу оханг, бу жаранг, бу ноз мастона
Бу сеҳр, бу садо, соз байрамона.

Ё Оллох, кушларнинг сайраганлари
Шаънингга дostonдай туюлар бари!

Не – не сахар, не – не Ватан оралаб
Не – не диёр, не – не чаман оралаб
Не – не ўлкалар-у, маскан оралаб
Не – не китъа, сарҳад ичра саралаб

Биламан шамолдай шошиб елгандир
Узок – узокдан йўл босиб келгандир
Бироз хоригандир, бироз толгандир
Талпиниб келгандир, топиб келгандир!

Ё Оллох, кушларнинг сайраганлари
Шаънингга дostonдай туюлар бари!

Деразам ортида хар тонг, хар сахар
Хали уйку ичра ётганда сахар...

ДЎРМОНДА

Хилпирайди терак барглари
Кўшигидан ором олар жон.
Тўлганида юрак дардлари
Яна келдим, жонажон Дўрмон.

Катта-кичик юлдузлар балкиб,
Нур сочгандек осмон токида.
Туни бўйи каламқаш халки,
Тер тўқади ижод богида.

Кимдир ёзар халк дарди учун
Кимдир ўз кўнглини ёзади.
Кимдир колар тарихда бугун,
Кимдир ўзига гўр казади.

Кимдир бугун битса гар баёт

Балки кўшик бўлар эл аро.
Кимдир бугун шеър ёзиб, хайхот
Ўз бошига орттирар бало.

Ижод сахни осмон кадарда,
Хар ким ўз ризкини теради.
Килмишига каби Махшарда,
Ёзганига жавоб беради.

Оппок когоз узра эгиб бош.
Ёзмокдаман мен хам дил дардим.
Иймонимни айлагин йўлдош,
Адаштира йўлингдан Тангрим.

Шеърларимга эргашиб кимдир,
Хато килар балки мен сабаб.
Тангрим, Ўзинг ишонганимдир,
Истамайман ёзмокни алдаб.

Ахли калам Дўрмон богида
Битаётир шеър ёки дoston.
Кимдир куйган севги догида,
Ким эл калбини этмокда баён.

Мен хам келдим, менгача хам то
Келиб кетди канча инсонлар.
Ким мангулик шон топди, аммо
Кимлар сўлди аллакачонлар.

Умидим шу, тутиб оламини
Зўр асарлар ёзилаверсин!
Оллох кўллаб ахли каламини,
Файз-барака ёгилаверсин!

МОЛДОШЛАР ВА ЖОНДОШЛАР

Кенг ўтлокда ўйинлари ярашиб,
Иргишлаб бир-бирин, кучар кучуклар.
Суяк ташланса гар, ўлжа талашиб,
Бир-бирин гажигашга тушар кучуклар.

Менинг хам кўп умрим тўдада ўтди.
Гурух ё жамоа дейилар бизда.
Дўстлик, улфатчилик бузилиб кетди.
Фойдани бўлолмай колганимизда.

Биз хам кучоклашиб кўришар эдик,
Кизгин айтар эдик, тилак сўзларин.
Мол-мулкни теппа-тенг бўлишар эдик,
Хамтовок дўст эди, ошно дўстларим.

Аёндир, хар одам, хар кун хар фурсат
Бу дунёга эга бўлмок истайди.
Бўйсинмоги учун
мансаб, шон - шуҳрат
Ўзига тўда ё
гурух излайди.

Бари ўтди, хавога соврилди йиллар,
Кўп кўрдим сотгану- сотилганларни.
Зориккан, синиккан юрагим излар
Худони ўзига дўст билганларни.

Алдамайди улар, ё сотиб кетмас,
Гамни, шодликни тенг кўради бахам.
Мендан ё ўзидан кўрккандан эмас,
Кўриб тургани—чун, хабардор Хакам.

Гар ўлжа ташланса, баднафс одамга,
Етмас бу дунёнинг хазиналари.
Ахир биз хайвонмас, инсонмиз, хамда
—Худонинг ердаги халифалари.

Худо буюргани инсонга конун
Барча бўйсунганлар, кондош дўстларим.
Ошно бўлмас, улар ошу—нон учун.
Иймон учун дўст бўлар, жондош дўстларим.

Яшаш осон. Аммо хар ким хам ўлар,
Ва кайта тирилар, Еру—кўк тўлиб,
Молу—дунё учун дўст бўлган дўстлар
Уйғонар бир—бирин душмани бўлиб.

Гўё, кўкда ўйинлари ярашиб,
Ирғишлаб бир-бирин, кучган кучуклар.
Суяк ташланганда, ўлжа талашиб,
Бир-бирин гажишга тушган кучуклар.

* * *

– “Одамга бўйсун” – деб буюрди Рахмон.
Шайтон кибр билан: - Йўк, асло! – деди.

Мен, оловдан бўлсам лойдандир, инсон.
Жинлар насли инсдан пок, аъло! – деди.

Илм берган Оллох шунда инсонга
Айттирди не жисм бўлса номма-ном.
Билими йўк иблис келди исёнга.
Жаннатдан кувилди Ерга батамом.

Хар нени ўз номи билан атамок,
Инсонларнинг буюк шарафи экан.
Шундан Оллох илми ила яшамок,
Шайтонлардан устун тарафи экан.

Аммоки орадан ўтди кўп йиллар,
Унутгандай бўлди номларни одам
Шуурлар сустлашди, кирланди диллар,
Иблис адаштириб юрди дамодам.

Гохида тўпланиб майдонга чикиб,
“Хакикат” – кани? деб, инграр оломон.
Тўда-тўда, тўп-тўп, тун-кун кичкириб,
Хамма хакикатни тополмай хайрон.

Хар эл эркинли-гу, озодлик истар,
Бугунги кунидан кўнгли тўлмайди.
Хурриятни хар ким ўзича излар,
Хурриятнинг номи битта бўлсайди.

Хар ким ўзиникин билади тўгри
Ўз сўзи, фойдаси, ўз гоёси бор.
Ўз ишин тўгри деб килади ўгри
Тўгрини тўгри деб билмайди зинхор.

Хаёт гох инсоний, гохо хайвоний
Одамга кул бўлди, эътикод, иймон.
Насронийнинг кўзин ўяр насроний,
Мусулмонга найза санчар мусулмон.

Ёнимизда турган инсон ўзи ким?
Билмасмиз, дўстми у ва ёки душман.
Билолмай дунёни гох коламиз жим.
Билмасмиз юракда недир жўш урган?!

Кумуш ва Зайнабни фаркламок учун
Фарклар учун шахват ва мухаббатни
Кўксини тозалаб, кайтадан бугун

Тарбиялаш керак инсониятни.

Билимдир – инсоннинг бошидаги тож.
Билим йўқотди ўз салтанатини.
Подшоҳлар, кулдорлар килдилар тарож
Олим уламолар мамлакатини.

Кулбачча сингари илму – маърифат,
Кайсидир фосикнинг хизматидадир.
Шармини йўқотиб қўйган шарият,
Шавкатсиз касларнинг хислатидадир.

Кимдир кетиб борар беташвиш, бегам
Кўзига кўнгандир – ҳаётнинг шоми.
Энг сўнги кунлари келган бўлса ҳам,
Билмас бу дунёнинг нимадир номи?!

Қачондир ҳар нени ўз номи билан,
Инсон берган эди бирма-бир айтиб
У номлар ўчдими хотирасидан,
Бўлурми у улуг кунларга кайтиб.

Номларни айтолмай шайтон эди лол.
Устун эди ундан инсон фикрати.
Унутиб турибди букун у беҳол,
Бошига тушгандир иблис қисмати?!

Иблис хайкирганди ўша замонлар
Инсон иллатларин аввалдан пайкаб:
Инсондир – бузгунчи, тўкқувчи конлар,
Ҳоким килма уни заминга ё, Раб!

Қайдадир талъатинг муқаррам инсон,
Ердаги паймонанг нахот тўлгандир.
Чалинмоги керак сур аллақачон.
Қиёмат соати нахот бўлгандир?!

Нахот вақт тугаган, тирикмиз нахот
Факат Яратганнинг раҳмати сабаб.
Нахот вақт тугаган турибмиз нахот,
Факат Яратганнинг шавкати сабаб.

Танграм, химматингни чеки йўқ асло,
Сен мангу меҳрибон, Холик экансан.
Ҳар нени ўз номин айтмоққа расо,
Бизларга Куръонни тортик этгансан.

Куръон бизга ёруг юлдуз эканда.
Яхшини фаркламок учун ёмондан
Куръон – йўлчи юлдуз, хеч бўлмаганда
Авзал бўлмогимиз учун шайтондан.

ОТА□ ДУОСИ

Кўзларимнинг гавхарисан,
Юрагимнинг жавхарисан,
Авайлаган асраганим,
Умримнинг шох байтларисан
Она кизим, она кизим.

Ўз уйингда гул ўстириш хизмат экан,
Ўзга уйга кўрк бўлгувчи зийнат экан,
Титрамоқда юрагимнинг томирлари,
Кўчиш бахти киз болага кисмат экан.

Дурим десам зебодурсан дурдан аъло,
Нурим десам зиёдурсан нурдан аъло
Худойимнинг китобига ошнодурсан,
Хурим десам одобинг бор, хурдан аъло.

Бугун тўйинг наво тўлсин тўйхонангга,
Малика бўл борган олтин кошонангга,
Тангрим ўзи кутлуг никох аҳди билан,
Бир умрлик мухр босмиш пешонангга.

Жон узилди, шодон юрсанг шифо топгум,
Ўзга уйда ўйнаб кулсанг даво топгум,
Сог-саломат кўша-кариб бахтли бўлсанг,
Нафас олмок учун танга хаво топгум.

Эй ёронлар, икки ёшни дуо килинг!
Бир-бирига кўзу кошни дуо килинг!
Такдир экан учрашибди Ой-у Куёш,
Ковушган бу икки бошни дуо килинг.

ПАНОХ

Кеча мени олишди ишдан
Бунга афсус килмайман асло
Голиб чикди гўёки душман
Назаримга илмайман, аммо...

Хеч кимсага

каролмайман тик,
Юзим шувут,
синди иродам,
Ўлдирмаскан одамни очлик,
Ор-номусдан
ўларкан одам.
Юрагимнинг
сизмокда кони,
Беркинаман жон саклаш учун.
Мени ютар
кайгу зиндони
Афтодаман,
Абгор ва тушкун.
Ёкмай колдим катта
бошликка,
Зулм килган эди
ракибим,
Юрак тўлганида огрикка,
Хато килдим айтиб хаклигим.
Гох эркинлик истаган онда,
Кўркув билмай коларкан одам.
Алам ўтиб кетганда жондан
Хато килдим мен атайдан хам.
Ишдан кетган битта
мен эмас. —
Кўнгил тоза бўлса,
бас экан. —
Эл, кора калб касни кечирмас,
Хакдан кетган чикаркан элдан.
Юзим ёруг,
элнинг олдида.
Унга асло отмаганман тош.
Кеча магрур эдим
пойида,
Бугун музтар ургандирман бош.
Кеча эдим
ардогидаман
Менга омад ёрлиги учун.
Бугун кўзин карогидаман,
Хокисор ва хорлигим учун.
... Энди Оллох корхонасида
Садокатли бандаман, ишчан.
Энди ул Зот рахнамосида,
Енга олмас
бирорта душман.
Ризк бергувчи, асрагувчи сог

Хар онимдан олгувчи хабар.
Одил хакам, энг кудратли шох,
Кенг оламга энг олий Рахбар.
Эй, улуг зот
бўл менга нажот!
Каршингдаман,
итоатдаман!
Корхонангдан,
жой бер умрбод
Амрингдаман,
Ибодатдаман!

* * *

Хаёт нима, тонгда турсам эрмак экан,
Уйгонмасам, ўтиб кетган эртак экан.
Бунча киска дея кўкка ёлвордим мен,
Фойдаси йўк, бакирмаслик керак экан.

Тўхтамайди, тақдир деган тўхтамайди,
Бугунги кун кечагига ўхшамайди.
Кумсоатда тугаб борар кунлар, аммо
Яшамокка мухаббат ҳеч тугамайди.

Нима кўрдим? Нима топдим? Недан шодман?
Ким учун ва нима учун яшаяпман?
Она халким мен меҳрингни кўрдим не бахт,
Шу ифтихор кўзларимни ёшлаётган!

Умр йўли, гохида чох, гохида жар
Гох йикилиб не киларим билмасам гар,
Йикилсам ҳам юз бор такрор, такрор, такрор,
Сенинг меҳринг каддим ростлар, олга бошлар.

Сен бўлмасанг захар ичар эди кўнглим.
Сен борсангки, ўз умримдан рози бўлдим.
Кунгабокар куёшга зор боккан каби
Бахра олдим, дармон олдим, кучга тўлдим.

Сен Бобурсан, Амир Темур, Навоийсан
Зафар дарсин ўргатгувчи гозий – сенсан.
Кадди баланд, кадри баланд, мард, забардаст
Хак йўлида, шеър илмида дохий – сенсан.

Мен-чи на бир ишда донгдор, на кахрамон
На тош йўндим, на чўлларни этдим бўстон

Аммо халким, бошим узра меҳринг тафтин
Сезиб турдим хар лаҳзада ва хар қачон.

Кетар бўлсам қилмагайман ҳеч бир даъво!
Тақдирга тан бермасликдан нима маъно?!
Мухаббатинг шаробидан сармаст мамнун,
Кўл силқийман сендан рози, сенга шайдо !

Аммо ҳаёт хали давом этаётир,
Яшаш учун меҳринг, қудрат бераётир.
Даъват қилиб, тиргак бўлиб, таянч бўлиб,
“Буюк ишлар қилмок керак” деяётир.

Она халким! Кўлимдан тут, мен тайёрман!
Олам узра меҳрингни соч, мадақорман!
Сенинг учун ўлмок балки жоиз эмас,
Сенинг учун яшаганлар ичра борман!

ХУДОФУРУШЛАР

Мен учун бу ҳолни лозимдир эслаш,
Шайтоният юз йил қилди хуружлар.
Аммо Ислом келгач топмокдан эмас,
Сотмокдан суюнди худофурушлар.

Иймон қуёшидан нурланди олам,
Аммо қайга борса ҳақ бандалари
Йўлга чиқар қаззоб худофуруш ҳам
Қушхонага чопган сарка сингари.

Худони дўст билиб топинганларга,
Ҳеч қим қилмас энди очик урушлар.
Ҳамроҳ никобини ёпинарларда,
Чоҳга бошлар баттол Худофурушлар.

Худосизлар насли кўпайган эди.
Маймуннинг ортига беркинган каслар.
Художўйман дея хўмраяр энди,
Худофуруш бўлиб олган нокаслар.

Масжидга боради, борса агарда,
Оллоҳ уйида ҳам у маккор, душман.
Бирор бир бечора тушса назарга
Хайдамок бўлади ўқишдан, ишдан.

Эй, Худо қаммиди, шайтон исёни

Ақлдан оздирмок, йўлда алдамок
Улар-чи, сугуриб олади жонни,
Колар, тирик мурда бўлиб яшамок.

Уларнинг олдида содда эканлар,
Шайтонга дарс берар – дунёфурушлар
Миллатларни кирар, элни енгарлар,
Дунёни хор этар – худофурушлар.

Тасбех ўгирар-у, аммо аслида
Маймун огушини согиниб турар.
Бузук ирсият бор улар наслида
Исломни тугатмок касдида юрар.

Худонинг измида экан еру – кўк,
Юлдуз хамда куёш,
кеча ва кундуз.
Эртанги кунимдан магрур кўнглим тўк,
Худодан ҳеч кимса ўгирмайди юз.

Халким, кайдан билсин етмиш йил ичра
Эгасиз ташландик, рухсиз, бадбуруш,
Юракларинг куриб, тубсиз чох узра,
Бугунни кутганинг, бу худофуруш!

Тарих сахнасида юрган суворий
Хаёт гулшанига сочгувчи ривож
Кўлда байрок билан имом Бухорий
Бошимизда мангу яркираган тож.

Ер шари айланар, Куёш зарлари
Тушган он, хар юртда айтилар азон.
Миллион-миллион зот саждалари
Бир лахза тўхтамас минг йилдан буён.

Ишончим, жамийки Худофуруш кас
Худонинг кўлида ўйинчок холос.
Ичидаги иллат, адоват, мараз
Худо амри билан бир кун бўлгай фош.

Худо деб, кўлимда тугулар муштлар.
Худо деб, курашиб толмасман бугун.
Бир кун йўколади Худофурушлар.
Худо бизни кўллаб тургани учун.

КАНИЙДИ

Айбим кўп ўзимга ёкмаган,
Аmmo бир орзу бор жон танда.
Канийди Куръонни ёдлаган
Бир банда бўлсайдим, бир банда!

Эй Тангрим! Юрак бер, бир юрак
Шайтоннинг макрига учмай мен.
Эътикодни бутлашим керак,
Жаханнам каърига тушмай мен!

Гирдоб аро хас каби ночор.
Ўчиб кетмай беному-нишон.
Нур бергин, бўлайин яловдор,
Бўлайин хакикий мусулмон!

Зеро, лаънатланган Ер аро,
Одамзотга кисмат яшамок.
Яратганни унутмок – жазо,
Бахтдир - жонни нисор айламок!

Ажал не, такдир не билмасман.
Хеч нега етмайди аклим хам.
Куръон - сен аклим бўл, йўл оч сен
Куръон - сен калбим бўл, бер ёрдам!

Орзудир бу айтган гапларим,
Чикдим истак чегарасидан.
Зероки, Навоий хамдардим
Ва Бухорий неварасиман!

Жахолатда ётган оламга,
Рахмат нурун сочгайдир – Куръон!
Разолатга ботган одамга –
Саодатни очгайдир – Куръон!

Бу сўзимдан юз бурманг эй, зот!
Дилни покланг, шак гумонлардан.
Хеч ёмонлик кўрмайсиз, хайхот
Сиз хакикий мусулмонлардан.

Эй, рус, япон, испан, англизлар!
Яратгандан ёгилиб инъом,
Шояд битса пешонангизга,
Ахли ислом деган улуг ном!

Яралганмиз одам Отадан,

Ота – бир, она – бир, Худо – бир!
Битта Ер, бир – осмон, бир – Ватан
Инсон деган кисмат – биттадир!

Хар миллат безар бу оламни.
Барча элни хурмат киламан.
Аммо мен мусулмон одамни
Хакикий инсон деб биламан.

Катта кетмок рости гап нечун,
Керолмайман ўзим хам кўкрак.
Чин мусулмон бўлмогим учун,
Куръонни ёд олмогим керак.

Хар бандага ўзинг кил карам,
Мехринг билан сийлагин доим.
Химматингни аяма хар дам,
Орзуимга етказ Худойим!

Айбим кўп, ўзимга ёкмаган
Аммо бир истак бор жон танда.
Канийди Куръонни ёдлаган
Бир банда бўлсайдим, бир банда!

КУЁШИМ – ОНАМ!

Сиз томон кетяпман. Йўлдаман, она!
Йўлнинг хаёл каби йўкдай адоги.
Эслайсизми, доим сизга парвона,
Югуриб юрардим болалик чоги.

Ковун экан эдик, кўклам далага
Холдан тояр эдим, кун кизиган дам.
Ўзимни панага олган паллада,
Кетмон урардингиз менинг учун хам.

Сиз кучли эдингиз. Терингиз котиб,
Бери келмасдингиз қорайса хам шом.
Яна тонг сахардан бизни уйготиб,
Этардингиз қора меҳнатни давом.

Бу хол такрорланди гўё бир умр.
Гўё соянгизда колгандайман мен.
Сиз азоб чеқдингиз, мен кўрдим хузур
Сизнинг роҳатни хам олгандайман мен.

Ўқидим, уйландим. Шахарда колдим.
Йўлларимда тўлаб юрдингиз товон.
Сизга ташвиш бўлдим, ошу-нон олдим,
Юбора олмадим сизга тўртта нон.

Гохо хотинимга урардингиз дўк
Менга гап кайтариб адашганда хам.
Мени хак дердингиз, мендан кўнгил тўк
Хатом учун ишдан хайдашганда хам.

Гохо хасталик, гоҳ рўзгор деган гор
Холимни танг килиб, гамга соларди.
Малхам дори каби мунис, хокисор
Нафака пулингиз келиб коларди.

Сиз учун доим мен эрка, арзанда
Каро иш килсам хам, доимо окман.
Она, мен дунёда энг разил банда
Онанинг кимлигин билмас гумрохман?!

Дунё бир тараф-у, ўзим бир тараф
Колганда умримдан йўколиб кувонч
Менинг гамга ботган кўзимга караб
Бўлардинг сўнгги умид ва ишонч.

Кексайган, бир бурда жуссангиз билан
Бошимда кудратли посбонсиз, посбон.
Не-не балони даф этиб устимдан,
Буюк кахрамонсиз, заиф, чалажон.

Сиз томон кетяпман, кетяпман она
Эшитдим тобингиз кочибди бироз.
Доимгидай шошиб, чопиб, кувона
Чикаолмаскансиз, йўлимга пешвоз.

Онажон, дардингиз олайн ўзим.
Жоним онам туринг, ётманг хастахол.
Жоним онам туринг, кувонсин кўзим.
Олам сахнасида юринг бемалол.

Туринг, кудратингиз кўрайин она
Сизсиз, жоним ярим, бутун хаёт йўк.
Дунёда энг кучли зот эрур она
Дунёда онадан кудратли зот йўк.

Кетяпман, йўлдаман, шошманг онажон!

Ичимдан келади гулдирак овоз:

– Онам хаста эмас, онам сог-омон
Хозир у каршимдан чикади пешвоз.

Йўк-йўк бўлмас хали киёмат койим,
Куёш сўниб кўкни копламас тўзон,
Ой-у юлдузларни каби Худойим,
Сен онамни мангу асра Художон!

Мухаммад ИСМОИЛ